

## Ёш педагогларнинг инноватцион фаолиятини шакллантириш

Институтнинг 04.01.2 А/Ф бўйруғи асосида Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси кафедраси қошида доимий фаолият кўрсатиб келаётган «Педагогик маҳорат мактаби» курсида «Ёш педагогларнинг инноватцион фаолиятини шакллантириш» мавзусида 5 - 10 январ кунлари ўқув семинар ташкил этилди. Семинарда кафедранинг қуйидаги профессор ўқитувчилари: профессор З.Исмаилова, профессор Х.Худойкулов, доцент М.Байбаева, Д.Мукумова, Ш.Рауповалар модераторлик қилишиб, «Педагогик мулоқот ва педагогик маданият», «Педагогик фаолиятда муаммоли вазиятлар, тўсиқлар ва низолар», «Педагогнинг инноватцион фаолиятини шакллантириш», «Педагогик фаолиятда шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари», «Таълимни ташкил этиш шакллари, дарс ва унга қўйиладиган талаблар» мавзусида фаол семинар жараёнини ташкил этмокдалар. Ўқув семинарида «Гидромелиоратция», «Гидромелиоратив ишларни механизатциялаш», «Қишлоқ хўжалигини механизатциялаш», «Қишлоқ ва сув хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш», «Ердан фойдаланиш ва ер кадастри» «Иқтисод ва менежмент» факультетларининг 100 га яқин ёш педагоглари катнашмокдалар. Семинар - тренингда таълим жараёнига инноватцион таълим технологияларини кенг қўллаш имкониятини бера оладиган муҳит яратилмокда ва бевосита тингловчилар ҳам ушбу жараёнда фаол катнашмокдалар. Ўқув семинарнинг якунида қўйилган максад: ёш беш йиллик тажрибага эга бўлган педагогларга педагогик, психологик ва методика соҳасига оид билимларни етказиш, дарс самарадорлигини ошириш ва ўз фаолиятида фойдалана оладиган педагогик технологияларга асосланган дарсларни ташкил этишдир. Албатта, шу қўйилган талаб ҳамда вазифаларга эришиш учун фидойи ҳаракатлар билан бор билим ва имкониятларимиздан самарали фойдаланмокдамиз!!!



**Академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўлим бошлиғи Мукумова Дилрабо ахбороти.**